

Мукаммал қуллик



17:44 / 11.09.2017 5101

Қул эмас ул ким – зарб остида инграган,

Ғарибу нотавон эмас ул ким – якка-махов яшаган,

Маҳрум эмас ул ким – бир бурда нон сўраган.

Аммо ул ким қул, маҳрум, ғарибу-нотавон,

Гар нафс истагин қилди равон.

(Лопе де Вега)

Одам нафси бир-бирига қарама-қарши турган икки қирра ўртасидадир: асертивлик (ташқи таъсирдан мустақиллик) – у тўсиқларни енгиб ўтишдаги кучдир ва унинг тескариси – конформизм (комфорт зонасидан чиқиб кетмаслик учун инсонни ушлаб турувчи фактор) орасида. “Енгиб ўтиш” тушунчасининг маъноси, авваламбор, дунёвий фитна-лаззатлардан мустақил бўлмоқ учун ўз-ўзини чеклашдир. Бу эса тушунарли – ахир, тоғнинг чўққисига чиқмоқни истаган киши, биринчи навбатда, пастга тортмаслиги учун ўз юкини енгиллаштирмоғи лозим. Конформизм эса, аксинча, статус-кво – яъни ҳаммасини ўз ҳолида қолдиришга мойиллик бўлиб, ҳар қандай фаол ҳаракатга бўлган интилишнинг томирига болта

уради. Аммо шу ерда юксак мақсадлар билан бўладиган олишувга яна бир иштирокчи – жамият қўшилади. Айнан ўша, иллатларимизни озиклантиргани ҳолда бизни кўринмас ва нуфузли “система”га қарам қилиб қўйган, ҳар биримизни маълум даражада унинг қулига айлантирган жамият. Ва биз ҳозир ўша, бир қарашда аҳамиятсиз бўлган, аммо бизни тутқунликда тутиб турадиган факторлар ҳақида гаплашамиз.

Танганинг жаранглаши

Инсоний иллатларнинг энг кўзга кўрингани ҳамон мол-дунёга ҳирс қўйишдир. Қадимда жинойатларнинг кўпи пул, мол-дунё сабабидан бўлган бўлса, аҳвол ҳали ҳам ўша-ўша – буларнинг сеҳрига кишилар ҳамон учрамоқдалар.

Лондон университети коллежи профессори Адриан Фернхам ўз касбдоши Марк Фентон О’Криви билан биргаликда инсоннинг пулга муносабатини ўрганиш бўйича қизиқ тадқиқот ўтказдилар. Маълум бўлдики, инсоннинг пул билан муносабати тўрт хил бўлар экан. Биринчиси – пул қувват сифатида қабул қилинади, иккинчиси – пул саҳийлик манбаи, учинчиси – пул хавфсизлик манбаи ва тўртинчиси – пул бу эркинлик (мустақиллик). Энг оммавий тус олган ҳолат – харж қилинаётган пуллардан безовта бўлиш ва хотиржамликни ҳис этиш учун нарса харид қилиш бўлиб чиқди. Тадқиқот яна шуни кўрсатдики, ёшлар пулни тўғри сарфлашни яхши эплотмас эканлар, чунки харажатларни режалаштириш одати уларда шакланмаган бўлар экан. Бундан ташқари, олимлар қуйидаги ҳолни кузатишган: пулларга хавфсизлик манбаи сифатида қаралса, бу молиявий муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилар экан. Аксинча, киши учун пул ҳукмронлик манбаи бўлса, кўнгилсизликка учраш хавфи ортар экан.

Шу ўринда бир ҳадис ёдга тушади. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят этилади: “Зулмдан эҳтиёт бўлинг, дарҳақиқат, Қиёмат кунида у зулматга айланадир ва бахилликдан эҳтиёт бўлинг, у сиздан аввалгиларни ҳалок этди. У уларни қон тўкишга ва маън этилганни рухсат этишга етаклади”. (Муслим)

Ақлдан озган Икар

Муаммолардан “ўзга дунёга” учиб кетиш, ҳаётни вақтичоғликда ўтказиш асло янгилик бўлмай, бунинг боши қадим Шумер цивилизацияси (тахминан милoddан 5 минг йил аввал)га бориб етади. Айнан шу даврга оид қазилмалар ичидан гиёҳванд моддани таёрлаш ҳақида маълумот топилиб,

бундай модда «gil», яъни “қувонч” (ном оригинал эмас экан-а?) деб номланган экан. Тиниб-тинчимас ўша археологларнинг уринишлари билан “самоларда сайр қилишни” қадимги римликлар, юнонлар ва скифлар ҳам хуш кўришгани ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келди. Бироқ ўтмишдаги бундай моддалар ҳозирда учрайдиган турли-туман навлилари олдида ип эшолмайди. Бугун дунёни кокаинга қарамлиликдан ташқари спайс эпидемияси қамраб бораяпти, унинг қурбонлари йилдан йилга ортиб кетяпти. АҚШнинг Чикаго шаҳридаги “Фейнберг” тиббий маркази мутахассислари чекиладиган қоришмалар ва марихуананинг инсон организмига таъсирини ўрганиш бўйича ноёб тадқиқот ўтказдилар. Бу учун улар ўсмирлардан уч гуруҳ тузишди: биринчи гуруҳга соғлом болалар, иккинчисига каннабис (марихуана)га қарам бўлиб қолганлар, учинчи (тажриба) гуруҳга шизофрения билан касалланган болалар киритилди. Тест якунлари бу муаммонинг қизиқ ракурсини очиб берди: кашандалик балосига мубтало бўлганларнинг вазифа бажариш натижалари соғлом тенгқурларига нисбатан 37% га ёмонроқ бўлиб, шизофрения диагнозли болаларнинг натижаларига мувофиқ келди. Кейин учала гуруҳдагиларнинг бош мияси МРТ қилиб текширилди ва марихуана чекиш миянинг айнан шизофрения билан касалланганларда нуқсонли бўладиган ҳудудларини нишонга олар экан. Бу инсон миясидаги хотира ва фикрлаш учун жавобгар жойлардир; каннабис чекиш оқибатида улар атрофияга учрайди ва ишлаш қобилиятини йўқотади. Бундан тинчини йўқотган кашандалар ҳар нарсага тайёр бўлиб қоладилар. Гиёҳванд моддаларни сотадиганлар эса, болалар тирик экан, ҳолатдан унумли фойдаланадилар. Улар учун кашандалар даромад манбаи, холос. “Бу бизнинг бизнесимиз!” – деб ўзларини оқламоқчи ҳам бўладилар. Гиёҳвандликдан тузалиб кетиш (махсус реабилитация марказларида даволаниш) ҳаммага ҳам насиб қилмаслиги боис, гиёҳванд моддалар бизнеси оммавий қирғин қуролининг энг ашаддийси бўлиб қолмоқда.

Порнография

Ифлос китобларни камдан кам чанг босади. Қадимги Рим шоири Ювенал Рим давлатини ўша пайтда бошқарганларнинг оддий одамларни қарам қилиш усулларини тушунтирмақ ниятида “нон ва томоша” иборасини киритди. Бу ибора машҳур бўлиб кетди. Замонавий “қул”ларни исканжада ушлаб турувчилар учун ҳам томошалар муҳим воситадир, зеро, яхши реклама мўъжизавий натижаларни келтиради. Шунинг учун ҳам инсонни қарам қилиш воситаларини тилга олганда, порноиндустриядек мега-фойда келтирадиган, уятли нарсаларга эшикни ланг очиб қўйган соҳани тилга

олмаслик жуда нотўғри иш бўлади.

Бунинг оқибати не?

Машҳур социолог В.Л.Маршал ва бошқалар бу соҳада тадқиқотлар ўтказиб, жинсий зўравонлик ва педофилияга қўл урганларнинг сал кам ярми жиноят содир этиш олдидан порнография томоша қилганларини аниқлашди. Циллман ва Брайант (Dr. Zillman and Dr. Bryant) ларнинг кузатишларига қараганда эса, мунтазам порнография кўриб турувчилар аёлларга нисбатан бемехр ва шафқатсиз бўлиб қоладилар, бу уларга нисбатан жинсий жиноят содир этишларини осонлаштириб қўяди. Иш шунгача бориб етадики, туппа-тузук одам ногоҳ жиноятлар содир эта бошлайди.

Сўнгсўз

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят этиладики, Расул соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар: **“Олов нафснинг ортида яширингандир, Жаннат эса - хуш кўрилмаганнинг ортида”**. (Бухорий, Муслим).

Бу сўзларга қўшимча қилишга ҳожат йўқ. Инчунин, Аллоҳ таолодан бизни қулатадиган маъсиятлардан, зарарли нарсалардан ўз паноҳида асрашини сўраб қоламиз.

Шокир Шарипов таржимаси